Ушбу сонда:

2 АҚШдан мактуб — ҚАЛБДА ВАТАН ИШҚИ

3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

4 ТАБИАТНИ АСРАШ ҳар биримизнинг бурчимиз

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 7 октябр, сешанба № 156 (1581)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Ҳ.Комиловни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябр

Фармон ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ САМАРАСИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг шўро тузумидан қолган эски қолипдаги иш юритиш тартибидан воз кечиб, фуқароларни шафқатсиз жазолаш билан эмас, балки инсонпарварлик руҳида тарбиялаш асосида ҳуқуқий давлат қуриш зарурлиги хусусида бот-бот уқтириши бежиз эмас. Бу йўналишда мамлакатимизда собитқадамлик билан амалий чоралар кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2000 йил 6 сентябрдаги «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони шулар жумласидандир.

Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган бу қадам барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура идоралари ходимларидан янада улкан масъулият билан иш олиб боришни талаб қилади. Бу инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодаси - мазкур Фармон талабларининг жойларда тўлиқ бажарилиши устидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш бўйича эътиборга молик ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг террорчилик ва диний экстремизмнинг олдини олиш борасидаги фаолияти таҳлили бу борада талайгина ишлар амалга оширилганини кўрсатмоқда.

Жумладан, Бош прокуроратура томонидан Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Бу йўналишда прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биргаликда иш олиб бораётгани туфайли диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар сони йилдан йилга камаймоқда.

Шу билан бирга жойларда олиб борилаётган кенг кўламли тушунтириш ва тарғибот ишлари натижаси ўлароқ номи зикр этилган Фармон қабул қилинганидан буён жами икки юздан зиёд фуқаро қилмишига пушаймон бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Бу эса диний экстремизмнинг мақсади, реакцион моҳияти, ҳақиқий ислом динига мутлақо зид эканини айрим ёшларимиз кеч бўлса-да, англаб етаётганидан далолатдир.

- Яқинда туманимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг диний экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган, ҳозирги кунда қидирувда бўлган фуқароларнинг ота-оналари, оила аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди, - дейди Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек тумани прокурори Б.Қўқонбоев. - Чунки қидирувда юрган фуқароларнинг кечирим сўраб келишида ота-оналари, қариндошуруғларининг роли катта бўлмоқда. Таҳлилларга кўра, бу йўлга кириб қолганларнинг пушаймонлик аризаси билан мурожаат этишининг асосий сабабларидан бири уларнинг ота-онаси ёки қариндошларига Фармоннинг моҳияти, қўлланиш тартиби тушунтирилганидадир.

Ана шундай суҳбатлар натижасида қидирувда бўлган С.Икромов, В.Исматуллаев, В.Қодиркулов яқинда ўз хоҳишлари билан кечирим хати ёзиб келгани боис, жиноий жавобгарликдан озод этилди...

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этган жами икки мингдан зиёд шахс жиноий жазодан озод қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тегишли идоралар билан биргаликда олиб борган тадбирлар натижасида уларга тегишли моддий ёрдам кўрсатилиб, аксарияти эса иш билан таъминланди.

- Мен, дин ва динни ниқоб қилиб олган турли оқимлар ўртасидаги фарқни анча кеч тушуниб етдим, - дейди пойтахтимизнинг Ҳамза туманида яшовчи Д.Қобилов. - Нотўғри йўлга кириб қолганимдан ўзим ҳам, оила аъзоларим ҳам анча жабр чекдик. 2000 йил 13 март куни Сирдарё вилояти суди томонидан 4 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилдим. Бироқ Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони жонимга оро кирди. Муддатидан уч йил олдин оилам бағрига қайтдим. Айни пайтда Тошкент давлат авиация институтида катта лаборант бўлиб ишлаяпман. Ниятим, яхши ишлаб, ўзимга ҳам, юртимга ҳам нафим тегса...

- Мен ҳам ёлғон ҳою-ҳавасга, кимларнингдир гапларига учиб адашган, тўғри йўл қолиб, нотўғри йўлдан юрганларданман, - дейди Собир Раҳимов тумани Мирзо Улуғбек маҳалласида истиқомат қилувчи Ш.Тўраев. - Озодликдан маҳрум этилганимдан сўнг, кўзим очилди. Ўтган ҳаётимни ўйлар эканман, қилмишимдан қаттиқ пушаймон чекдим. Астойдил ният қилсанг, Яратганнинг ўзи тўғри йўл кўрсатар экан. Юртбошимиз улкан бағрикенглик кўрсатдилар, авф этилдим. Уйга қайтгач, маҳалламиз раиси, фаоллар, профилактика инспектори беминнат ёрдам қилди, қўлимда гулдай ҳунарим борлиги учун ишга жойлаб қўйишди. Юртдошларимнинг бу ишончини оқламасам, яна нонкўрлик қилган бўламан!

Тўғри йўлдан адашганини кеч бўлса-да, англаётган ва қилмиши учун Президент ва халқимиздан чин кўнгилдан кечирим сўраётган бундай инсонларнинг номини яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг яқиндагина қабул қилинган «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармонини инсонпарварлик тамойилига амал қилишнинг яна бир ёрқин намунаси сифатида айтиб ўтиш жоиз.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзилколонияларида, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса - умумий тартибли колонияларда ўташлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлади. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгаяди.

Мустақиллик шарофати ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан том маънодаги инсонпарварликка асосланган тамойиллар рўёбга чиқди. «Жиноятчини шафқатсиз жазолаш лозим» қабилидаги эски қарашларга бутунлай чек қўйилди. Жиноий жазо сиёсати либераллаштирилиши, аввало, ҳуқуқий демократик давлат тамойилларига мувофиқ бўлишга йўналтирилгандир. Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган бу қадам барчамиздан улкан масъулият талаб қилишини унутмаслигимиз зарур.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

Бешариқлик тадбиркор Ҳадятилло Исмоиловнинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилган плёнка ишлаб чиқариш корхонаси фарғоналик деҳқонлар жонига оро кирди. Жорий йил бу ерда турли ҳажмдаги 700 тонна плёнка ишлаб чиқарилди. Унинг сифати пахтакорлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Бундан ташқари, ҳозиргача 38 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Айниқса, полиэтилен трубалар ҳаммага маъқуя бўлаётир.

Суратда: ишчи Умид Исмоилов.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Ҳалилов олиб борди.

Йиғилишда 2003 йилнинг ноябр-декабр ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан Кенгаш аъзолари мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан янада илгарилаб бораётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан мазкур сайлов компаниясиниг аҳамияти янада ошганлигини таъкидладилар. Бу тадбир Обод маҳалла йилида ўтаётганлиги унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Андижон Давлат тиббиёт олийгохи кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига муносиб ҳисса қўшаётган олий ўқув юртларидан биридир. Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғликни саклаш тизимини ислоҳ килиш давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш хамда малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, халқ соғлиғини саклашга каратилган илмий-тадкикот ишларини олиб боришда институтда бой тажриба тўпланган.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Илмгоҳдаги 54 нафар фан доктори, 180 нафар фан номзоди талабаларга тиббиёт илмидан сабоқ бермоқда. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни ҳаёти, меҳнатини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш масалалари маъмурият ва касабақўм томонидан имзоланган жамоа шартномасида ўз ифодасини топган.

Жамоага тиббиёт фанлари доктори, АҚШ ва Нью-Йорк Академияси профессори Мамазоир Хўжамбердиев раҳбарлик қилмоқда. Ректор билан яна 3 нафар фан доктори яъни Эркин Жумабоев, Сайриддин Турсунов, Абдунаби Каримовлар ҳам жаҳон тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссалари учун муносиб равишда тақдирланишган.

Бир қатор олимлар тиббиёт илмининг фундаментал соҳаларида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бораяптилар. Масалан, профессорлардан Иброҳимжон Қосимхўжаев «Ҳомилада, чақалоқларда ва ҳар хил ёшдаги болаларда одамлар ички аъзоларининг анатомо-топографик ва гистология хусусиятларининг ёшга қараб ўзгаришлари» мавзуида изланишлар ўтказмоқда. Фан доктори Комилжон Мирзаев эса Фарғона водийси, хусусан, Андижон вилоят ҳудудида тиббиёт фани олдидаги долзарб мавзу болалардаги вирусли гепатитлар ва ўткир ичак касалликларининг клиник хусусиятларини тадқиқ қилмоқда. Фан номзоди Тўхтахон Муҳитдинова эса туғиш ёшидаги аёлларнинг ҳомиладорлик ва ҳомиладорликдан ташқари вақтда соғломлаштириш муаммоларини ўрганмоқда.

Газетанинг 2-саҳифасидаги «Таъзим сизга, яхшилар!» сарлавҳали мақолада олийгохнинг ижтимоий ҳимояга доир ишларидан ҳикоя қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Фуқаролар Йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105- моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Конун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2003 йилнинг ноябр-декабр ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Реслубликаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2003 йилнинг ноябр-декабр ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Шу муносабат билан:

туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайловни кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

4. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

5. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайлов компанияси мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида 2004 йилнинг 15 январига қадар Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ҲАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябр

Чуст туманидаги Варзик қишлоғида жойлашган 19-махсус мактаб ўқувчилари учун янги мактаб бунёд этилди. 150 ўринга мўлжалланган янги бино мактаб ўқитувчилари жамоаси ва қишлоқ тадбиркорлари ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси кўмагида қурилди.

МУНОСИБ СОВҒА

Янгиқўрғон тумани Бекобод қишлоғининг Соҳил маҳалласида ҳам янги илм маскани фойдаланишга топширилди. Илгари маҳалла болалари уч километр олисда жойлашган ўқув даргоҳига қатнашга мажбур эди. Ушбу муаммо Неъматов номидаги ширкат хўжалигининг маъмурий биноси маҳаллий мактаб ихтиёрига берилгач, ҳал этилди. Таъмирлаш ишларидан сўнг собиқ қишлоқ хўжалик идораси замонавий мактабга айланди, унинг ёнида эса спорт майдончаси ҳам барпо этилди.

Янги мактабларнинг кенг ва шинам синф хоналарида вилоят ҳокимлиги совға қилган замонавий компьютер техникаси ўрнатилди.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ ДАЛАДА

«Самарқанд маиший-хизмат» уюшмаси ходимлари пахта йиғим-терининг илк кунларидан теримчиларга даланинг ўзида хизмат кўрсатишга киришди. Шу мақсадда вилоят бўйича элликдан зиёд кўчма гуруҳ ташкил этилди. Сартарошлик, этикдўзлик, телерадио аппаратларини тузатиш, суратқашлик ва кийимларни таъмирлаш борасида хизмат кўрсатувчи мазкур гуруҳларга энг тажрибали ходимлар жалб этилган.

(ЎзА)

«ТОШКЕНТ ОПЕН» ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Теннис

Яқинда Тошкентда теннис бўйича қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири - Осиё чемпионати зўр муваффақият билан ўтган эди. Ана шу катта теннис байрамининг шукуҳи тарқамай туриб, пойтахтимиз теннис ишқибозлари ва мутахассисларининг эътиборини яна ўзига қаратмоқда. Бу ерда «Тошкент опен» анъанавий аёллар халқаро теннис мусобақаси бошланди.

Мутахассислар фикрича, бир мамлакатнинг қисқа фурсат ичида кетма-кет иккита йирик халқаро мусобақага мезбонлик қилиши теннис тарихида камдан-кам кузатиладиган ҳолат.

«Тошкент опен» халқаро аёллар мусобақаси 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган. «Челленжер» сифатида бошланган турнир қисқа вақт ичида жуда оммалашиб, 1999 йили Аёллар теннис уюшмаси (WTA) турнири мақомини олди.

Ушбу мусобақанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, «Тошкент опен» нафақат тажрибали ва таниқли теннисчилар, балки профессионал спортга эндигина қадам қўйган иқтидорли ёшларни жамлаши билан ҳам бошқа турнирлардан фарқ қилади. Бир сўз билан айтганда, «Тошкент опен» - янги юлдузларни кашф этмоқда. Жумладан, 2000 йилда турнир ғолибасига айланган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам, турнирнинг ўтган йилги чемпиони - швейцариялик Мари-Гаяне Михам WTA Tour мусобақаларидаги муваффақиятли қадамларини Тошкентда ташлаган. Айни пайтда ҳар иккала спортчи ҳам аёллар теннисида ўз ўрни, обрў-эътиборига эга. Бундан ташқари, 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган турнир ғолибалари - П.Вартуш (Австрия), А.Гавальдон (Мексика), А.Смашнова (Исроил), Б.Ламаде (Германия) ҳам бугунги кунда дунёнинг таниқли ракеткачиларига айланди.

Пойтахтимиздаги энг кўркам масканлардан бири - Тошкент теннис марказида мазкур мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди.

- Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спорт турлари, жумладан, теннисни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда,- деди Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов. - Юртимизда йирик теннис турнирларини ўтказиш анъанага айланди. Бошланаётган «Тошкент опен» мусобақаси ҳам ёшларимиз орасида спортнинг нафис тури - тенниснинг янада оммалашувига хизмат қилишига ишонамиз. Албатта, мазкур турнир бу йил ҳам теннис оламида порлайдиган янги юлдузларни кашф этади.

Шундай қилиб, тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари бир ҳафта мобайнида қизиқарли беллашувларга гувоҳ бўлади. Дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган теннис усталари «Тошкент опен» халқаро аёллар теннис мусобақасининг бош совринини қўлга киритиш учун кортга чиқади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎзА мухбирлари

Республикамиз хукумати шаҳар ва кишлоқларимизни газлаштириш масаласига алохида эътибор бериб келмоқда. Максадга эришишда Вазирлар Махкамасининг 2003 йилда «Нефт махсулотлари, табиий ва суюлтирилган газга бўлган эхтиёжнинг қондирилиши ва улардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги карори мухим ахамият касб этмоқда.

ГАЗ

тармоққа ноқонуний уланган

Табиийки, бу энг керакли ёқилғидан қонуний тарзда, тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади. Бахтга қарши айрим фуқаролар назоратнинг сустлиги ҳамда баъзи мутасаддиларнинг «кўнгли бўшлиги»дан фойдаланиб, қинғир ишларга қўл урмоқдалар. Хива туман прокуратураси ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар мобайнида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилинди. Аниқланишича, Хива шаҳар Қосимобод шаҳарчаси ҳудудидаги «Интизор» хусусий корхонаси биноси ичида фуқаро Шокир Раҳимов томонидан кулолчилик цехи ташкил этилиб, газдан ноқонуний тарзда фойдаланиб келинган.

Ажабланарлиси шуки, «Хивагазтаъминот» корхонаси ходимлари С.Олимов, Ш.Пирназаров ва Э.Бойжоновлар ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ҳужжатларни расмийлаштириб айбдорнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш тегишли идораларини бохабар этиш ўрнига тушунтириш хати ёздириб олиб «газ тармоқдан ажратилди» мазмундаги далолатнома тузиш билан чекланганлар. Туман прокуратураси томонидан жорий йилда ўтказилган текширишдан кейингина қинғир иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли бандига асосан жиноят иши қўзғатилди.

Лоқайдлик - қалб фалажи. Сен менга тегма, мен сенга қабилида иш юритиш давлатга ҳам, фуқароларга ҳам фақат зиён етказади. Таъкидланганидек, назоратнинг сустлигидан фойдаланган баъзи кимсалар қонун барчага баробар эканлигини унутиб қўйишмоқда. Акс ҳолда юқорида тилга олинган «Хивагазтаъминот» корхонаси ходимлари тасарруфидаги «Селикат ғишт» заводида ҳам кўнгилсиз ҳолат юзага келмасди. Гап шундаки, фуқаролар Р.Ёқубов, Р.Турдиохунов, Қ.Камоловлар бешта ғишт пиширадиган хумбуз қуриб олиб, «зангори олов»дан ими-жимида фойдаланиб келишаётганини мутасаддилар изоҳлаб бериша олмади. Мутахассислар томонидан олиб борилган кузатувларда Р.Ёқубовга қарашли бўлган иккита хумбузда жами 2 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги газдан яширин равишда фойдаланилганлиги ўз исботини топди. Ёки Р.Турдиохуновга қарашли бўлган Огаҳий номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги заводга яқин ерда жойлашган хумдонлар 2002 йилдан буён юқори босимли газ қувурига уланиб, яширинча фаолият кўрсатиб келган. Демак, шу муддат ичида давлатга 1 миллион 301 минг 277 сўм миқдорида моддий зарар келтирилган.

«Ишонч» фош этади

«Қўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек ғайриқонуний иш фош этилиб, айбдорлар кўпчилик ўртасида изза бўлдилар. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг таъкидлашича, корхона раҳбар мутахассислари, маҳалла фаоллари назоратни сусайтириб юборганликлари, қолаверса, хизмат бурчига совуққонлик билан ёндошганликлари қимматга тушган. Қонун барчага баробар. Кимда ким қонунни ҳурмат қилмаса, унга бўйсуниб яшамаса охирқибат панд ейди.

Б.ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбири

МАВСУМ ИЛҒОРЛАРИГА

12 та енгил машина

Пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билган қашқадарёлик пахтакорлар ҳам 410 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиш мақсадида астойдил меҳнат қилишяпти. 171 минг гектар майдонда етиштирилган мўл ҳосилни саранжомлаб олиш учун терим суръати тобора оширилмоқда.

Авазчўл ерларида бу йил ҳосил кутилганидан ҳам мўл бўлди. Миришкор туманидаги Ғафур Ғулом номли ширкат хўжалиги заршунослари 300 гектар майдонда «С-6530» номли пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Меҳнатни тўғри ташкил этиш эвазига бу йил ҳам вилоятда биринчи бўлиб йиллик шартнома режаси уддаланди. Қабул пунктларига 400 тонна сифатли хомашё топширилди. Хўжалик яна 800 тонна «оқ олтин» тайёрлаш, бошқача қилиб айтганда, ялпи хирмон салмоғини 1200 тоннага етказиш мажбуриятини олди.

– Қўлга киритилган ютуқлар лафзи ҳалол, танти ва заҳматкаш чўлқуварларнинг фидокорона меҳнати натижаси, қолаверса, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли жорий этилаётганлигининг самарасидир, – дейди хўжалик раҳбари Мамат Жумақулов. – Зеро, рағбат ютуқлар гарови саналади. Моддий манфаатдорликни ҳис қилган деҳқонларимиз суръатга-суръат қўшмоқдалар.

Асосан чорвачиликка ихтисослаштирилган Нишон туманидаги «Нишон» ширкат хўжалиги меҳнат аҳли миришкорликлардан сўнг иккинчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар. Хўжаликда биргина пахтачиликнинг ўзидан 300 миллион сўм даромад олиш мўлжалланмоқда. Умуман олганда, ҳозирга қадар 500 дан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари йиллик шартнома режасини бажаришга муваффақ бўлишди. Жумладан, Миришкор туманидаги «Худойбердиев Юсуфали Омон ўғли», Косон туманидаги «Эшқулобод» ҳамда Нишондаги «Хўжаёр ота», «Ғаллаорол» фермер хўжаликлари ҳар гектар майдондан 30-35 центнердан ҳосил олдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида оилавий пудратчи ва фермерлар, теримчи ва механизаторларни рағбатлантиришнинг аниқ дастури белгиланган. Унга кўра шартнома режасидан ортиқча етиштирилган ҳар бир центнер ҳосил учун унинг харид нархига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Айни кунларда вилоят далаларида 200 минг нафардан ортиқ киши пахта термоқда. 80 мингдан зиёд ҳашарчи қалб даъвати билан ёрдамга отланган. Уларга ҳар бир килограмм хомашё учун табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўланмоқда.

Қарши туманидаги «Бешкент» хўжалиги далаларида пахта тераётган «Қаршитермопласт» корхонаси ишчи-ходимларининг шижоати ҳаммани қойил қолдираяпти. Уларнинг ҳар бири кунига ўртача ҳисобда 200-250 килограммдан пахта теришмоқда. Боиси маъмурият ва касабақўм томонидан ҳашарчиларнинг самарали меҳнати учун зарур шароитлар яратиш билан бирга моддий рағбатлантириш ҳам тўғри йўлга қўйилган. Масалан, бир ойда тўрт тонналик хирмон уйган теримчи пахта пулидан ташқари маъмурият томонидан 35 минг сўмлик мукофот билан тақдирланади. Мавсум давомида 8 тоннадан ошириб пахта терганларга эса қимматбаҳо совға топширилади.

Қарши Давлат университети талабалари Нишон тумани далаларида пахта теришяпти. Дорилфунуннинг иқтисодиёт факультети талабалари жойлашган «Туркманистон» фермер хўжаликлари уюшмаси дала шийпонини кўриб баҳри дилингиз очилади. Теварак атрофи дарахтзорлар билан ўралган шийпон дид билан жиҳозланган. Хоналар шинам, тоза ва озода. «Маънавият ва маърифат» хонасида хоҳлаган газета ва журнални топиш мумкин. Тиббиёт хонасида доридармонлар етарли. Яна бир қулайлик шуки, ҳашарчи талабалар бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун стол тенниси, волейбол майдонлари қурилган.

– Ёғин-сочинли кунларга қолдирмай мавсумни якунлаш учун дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги янада оширилди, – дейди вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ю.Мелентьев. – Хусусан, мавсум илғорларини моддий рағбатлантириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари кенгаши, тегишли ташкилот ва хўжаликлар ҳисобидан 12 та «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари, 33 та телевизор ва видеомагнитофон ҳамда 660 та ҳар хил қимматбаҳо совғалар таъсис этилган. Ушбу мукофотлар мавсум якунида ўз эгаларига топширилади. Ҳозирги вақтда пахтакорлар учун шароитлар яратилган. Улар ҳар беш кунда ҳам моддий, ҳам маънавий томондан рағбатлантириб бориляпти. Иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, бу йил пахтачиликдан 91 миллиард 445 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилган. Бу маблағлар халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида сарфланади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қабулхонасида

ШИКОЯТ

қаерда ва нега туғилади?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қабулхонаси фуқаролар учун ҳамиша очиқ. Улар у ёки бу масалада ёрдам ёки маслаҳат сўраб мурожаат қиладилар. Келувчиларнинг ҳақли талабларини қондириш учун тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари ҳамда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашларининг мутахассислари астойдил ҳаракат қиладилар.

Федерация кенгашига тушган шикоят ва аризаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бажарилиши юзасидан изчил тадбирлар ўтказилишига қарамасдан айрим жойларда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Фактларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили жами 21 минг 53 та мурожаат қайд этилди. Шу жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига 894 нафар киши мурожаат этди. Улардан 215 таси ёзма, 679 таси оғзаки бўлиб, 742 таси ижобий ечимини топди. Барча мурожаатлар ЎзКУФК Раёсатининг қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби»да белгиланган талабга биноан кўриб чиқилди.

Турли хил масалалар билан келган фуқаролар қабулини уюштириш ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Уларнинг ҳар бир мурожаат ва илтимоси диққат билан тингланиб, ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш ва уларни безовта қилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилди. Мурожаат этганларнинг кўпчилик қисми Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятларида истиқомат қилувчи фуқаролар бўлиб, уларнинг ҳақли талаблари қондирилди. Масалан, Янгиер шаҳридаги «Янгиергазтаъминот» идорасида техника хавфсизлиги муҳандиси лавозимида ишлаб келаётган Л.Лихтенштейн меҳнат қонунчилигининг 101-моддасига зид равишда ишдан бўшатилган. Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгашининг мутахассислари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида у ўз вазифасига қайта тикланди. Мажбурий ишламай юрган даври учун 171 минг 598 сўм ундириб берилди.

Хоразм вилоят, Питнак туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишловчи Рўзибой Очилов бошига ҳам шундай ташвиш тушганди. Хоразм вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан иш атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада, Р.Очилов севган касбига қайтди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли соғлиғига етказилган зарар учун ҳақ тўлашдаги бузилишлар баён қилинган шикоятлар ҳам бор. Бундай фуқароларга ишлаб чиқаришда олган зарарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган тўловлар бўйича ишлаб чиқилган янги қоидалар тўғрисида тегишли маслаҳатлар берилмоқда. Маслан, Самарқанд вилоят, Челак шаҳридан биринчи гуруҳ меҳнат ногирони, 80 фоиз иш қобилиятини йўқотган Жалил Жамоловга 130 минг 259 сўм зарар пули Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси орқали ундириб берилди.

Иш берувчилар томонидан хомиладор ва уч ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Сайдуллаева ҳаётида ҳам шундай воқеа рўй берди. Натижада, унга нафақа пули тўлиқ ҳисобкитоб қилиниб, маблағ эгасига тўлалигича қайтарилди.

Шулар билан бир қаторда федерация кенгаши қабулхонасига санаторийларга йўлланмалар ажратишни илтимос қилувчилар ҳам мурожаат қилиб туришади. Бу борадаги илтимослар қондирилмоқда. Соғлиқларини тиклаш учун Навоий вилоятидан Ш.Собиров, Тошкент шаҳридан Ш.Мусаева, Тошкент вилоятидан У.Неъматов ва бошқаларга турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратилди.

Шунингдек, маъмурият билан ходим ўртасидаги келишмовчиликлар, пенсия таъминотидаги узилишлар ва шунга ўхшаш касаба уюшмалари фаолиятига дахлдор бўлмаган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берилмоқда.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

ГЎЗАЛЛИК БУНЁДКОРЛАРИ

"Ҳафтбарг" хусусий фирмасининг мутахассислари Бухоро зардўзлик санъати анъаналарининг давомчилари ҳисобланади. Корхонага ота-боболари азал-азалдан зардўзлик билан шуғулланиб келган Нурмуҳаммад Султонов раҳбарлик қилаётир.

-"Ҳафтбарг" корхонасини тузишдан мақсадимиз, Бухоро зардўзлик санъатини янада ривожлантиришдир,-деди Н. Султонов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Корхонамизда юздан зиёд турдаги буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар орасида ёш келин-куёвлар учун либослар, яктаклар, сўзана, гиламлар шунингдек, ёдгорлик буюмлари бор.

Хусусий фирманинг маҳсулотлари маҳаллий бозорда ўз харидорларини топиш билан бирга халқаро андозаларга ҳам тўла-тўкис жавоб беради. "Ҳафтбарг" халқ амалий санъати бўйича ўтказилган кўпгина танлов ва кўргазмаларда қатнашиб , совринли ўринларни эгаллаган.

"Туркистон-пресс"

АҚШдан мактуб

ҚАЛБДА ВАТАН ИШҚИ

Тергачи - Наманган вилоятидагина эмас, балки Ўзбекистондаги қадимий қишлоқлардан. Оқсоқоллар билан суҳбатлашиб қолсангиз, бу ердаги айрим дарахтлар ёшини минг йиллар билан ўлчашади. Айтишларича, Афғонистон ва Туркияда, айрим Европа ҳамда бошқа олис мамлакатларда ушбу қишлоқдан у ёки бу сабаб орқасидан кўчиб бориб яшаётган тергачиликлар анчагина экан. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчиб кетишлар ўтган асрнинг 20-йилларида айниқса, кўпайган, дейишади. Шу боис «фалончиникига хориждан меҳмон келибди», дейишса, катта янгилик саналмайди. Аммо яқинда, аниқроғи, янги ўқув йили арафасида қишлоқдаги 47-мактаб ўқувчилари номига олис Америка Қўшма Штатларининг Миссури штати Санта-льюс шаҳридан келган мактуб кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

«Она қишлоғимиздаги ҳурматли ва азиз ўзбек ўқувчилар, қадрли тенгдош дўстларимиз, - деб ёзишган эди мактуб муаллифлари Беҳзод, Улуғбек ва Севара Эргашевлар. - Биринчи навбатда сизларни янги ўқув йили бошланаётганлиги билан муборакбод этамиз. Кўпдан-кўп салом ва ширин истаклар йўллаш билан бир вақтда сизларга доимо тинчлик-омонлик, ўқишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Эсимизни таниганимиздан кейин Тергачида икки бор бўлдик, қишлоқ ғоят гўзал жой экан. Америка Қўшма Штатларидаги Миссури штатига ўхшаб кетаркан. Қишлоғингиз яқинидаги шарқираб оқиб ўтган сой, юксалиб турган Қоратоғ, кўз етмайдиган бепаён пахтазорлар, ўрикзорлар ва анжирзорлар, ёқутсимон олмазорлару шафтолизорлар ҳамон кўз ўнгимизда. Самолётда учиб Тошкентга қўнганимиздан сўнг автомобилда бораётганимизда кўрган ана шу манзаралар ҳеч қачон ҳаёлимиздан кетмайди. Ҳозирда ҳам тушларимизда она Ўзбекистонни, Косонсойни ва Тергачи қишлоғини кўрамиз. Меҳмонда бўлган пайтимизда қишлоқдаги тўйларга борганмиз, паловлар, карнай-сурнай овози, атлас кўйлак кийган қирқ кокил қизларнинг шўх рақслари хаёлимиздан ўтади.

Мустақил Ўзбекистон, у ерда амалга оширилаётган оламшумул ишлар ва янгиликлар ҳамиша оилавий суҳбатимизнинг бош мавзуси. Қачонки, дастурхон атрофига йиғилсак, у ердаги қариндош-уруғларимиз, қишлоғимиз гўзаллиги, боғларимиз файзи, Ўзбекистоннинг такрорланмас гўзал табиати ва кўриниши ҳақида гапирамиз. Бизда телевидение кечаю кундуз тўхтовсиз ишлайди. Гоҳо, бирон-бир канал орқали Ўзбекистонни кўрсатиб қолишса, ўртоқларимиз бизни табриклашади. Биз ҳам она-юртимизга бориб қолгандек бўламиз. Дастурхон йиғиштирилаётганда юртимиз равнақи, тинчлиги ва бундан кейин ҳам ҳамиша гуллаб яшнашлигини Аллохдан сўраб фотиҳа ўқиймиз. Сизларга доимо тинчлик, омонлик тилаб, АҚШдаги дўстларингиз!»

Дарҳақиқат, сиз мактубларининг қисқача мазмуни билан танишган америкалик болаларнинг ота-оналари Баҳодиржон ва Сайёрахонлар юқорида тилга олинган қишлоқда туғилиб ўсишган, ўқишган ва тарбияланишган. Болаларнинг дадалари Баҳодиржон Эргашев Тошкентдаги махсус математика мактабини битиргач, олдинига Москва Давлат университетида ўқиди, математика фанининг муҳим йўналиши бўйича номзодлик ишини ёқлади. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар Академиясида ишлади. Ўн йил илгари Америка Қўшма Штатларидаги университетлардан бирига илмий сафарга борди ва ҳозирда у ерда ҳам ўқитувчилик қилиб, ҳам илмий ишини давом эттирмоқда. Болаларнинг онаси Сайёрахон ҳам Наманган Давлат университетини имтиёзли битирган. У ҳам инглиз тилини пухта эгаллаган. Ҳозирда турмуш ўртоғи Баҳодиржон ишлаётган университетда ўзбек ва инглиз тилларининг ўзаро алоқаси мавзусида илмий иш билан шуғулланмоқда. Болаларнинг каттаси Беҳзод 8-синфда, ўртанчаси Улуғбек 6-синфда ўқишади. Кенжатой Севара 6 ёшданоқ мактабга қатнай бошлади. Уларнинг таъкидлашларича бугунги кунда АҚШда ўқиб тарбияланаётган болалар маълум фурсатдан сўнг Ватанимизга қайтиб, жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётига хизмат қиладилар.

Ж.ОБИДОВ.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Наманган вилояти Янгиқўрғон туман ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

- Янгиқўрғон Наманган вилоятининг аграр туманларидан ҳисобланади, -деди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими раисининг ўринбосари Рустам Охунов.- Бугунги кунда туманда рўйхатдан ўтган икки минг уч юз нафар ишсиз бор. Уларни меҳнатга жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Меҳнат ярмаркасида тумандаги 24 та корхона ва ташкилотлар 168 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Р. Охуновнинг таъкидлашича, вилоятда бугунги кунда икки миллион ўттиз бир минг тўққиз юз нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 968 минг нафари меҳнатга лаёқатли. Шундан иш билан банд бўлганлар сони 745 минг 500 нафарни, ишсизлар эса 162,2 минг нафарни ташкил этади. Ишсизларни доимий ёки мавсумий иш билан таъминлаш мақсадида шаҳар ва туманларда ярмаркалар ташкил этилмоқда. Жорий йилда вилоятда 36 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда 4 мингга яқин фуқаролар иштирок этиб, шулардан 3 минг 100 таси доимий меҳнатга, 587 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 267 нафари эса касб тайёргарлигига қайта ўқишга йўналтирилди.

"Туркистон-пресс "

Янгийўл шаҳридаги Ўзбек-Хитой «Тарим импорт-экспорт» қўшма корхонасида айни кунларда асосан ёшлар меҳнат қилишмоқда. Мазкур корхонада йилига 31 минг тоннадан зиёд халқ хўжалиги тармоқлари учун полиэтилен қоплар ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг юксалиши ишчи-хизматчилар ижтимоий муҳофазасида ҳам қўл келмоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ғ.ХИДИРОВ
олган суратлар

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

(Боши 1-бетда)

Фалокат оёқ остида, дейдилар. Эҳтиётсизликдан олийгоҳ хўжалик ишлари бўлими боғбони Паризодхон Ҳайдаровнинг уйида ёнғин содир бўлди. 4 нафар жигаргўшасига ҳам оталик, ҳам оналик қилаётган опага бу кўргилик оғир юк бўлиб тушди.

Институт аҳли бошпанасиз қолган оилага ёрдам қўлини чўзишга шошилди. Ҳодиса устига биринчи бўлиб касабақўм раиси бошлиқ гуруҳ етиб келди.

Ёнғиндан омон қолган, сандиқ устида чуқур ўйга толган аёлни шубҳасиз «Болаларнинг кийим-боши нима бўлади?! Бошпанасиз ҳолимиз не кечади? Қизимга атаб қўйган сепларни энди қаердан оламан?» қабилидаги саволлар қийнарди.

Бахтиёржон опахоннинг кўнглини кўтарди:

– Жон омон қолганига шукр қилайлик. Жамоа сизларни ёлғизлатиб қўймайди. Ҳозирча институт ётоқхонасида яшаб турасизлар.

...Ректор хонасига чақирилганлар йиғилиб бўлганди. Мамазор Аҳмедович доим савобли юмушларнинг бошида турган. Бу гал ҳам шундай йўл тутди. Касабақўм раисининг кўнглидаги гапларни топиб сўзлади. Бахтсиз ҳодисага учраган оилага моддий ёрдам уюштириш масаласини кўпчиликка ҳавола қилди. Шундай қилиб П.Ҳайдаровалар оиласига моддий ёрдам кўрсатиш, институт ҳисобидан бошпана қуриб бериш тўғрисидаги касабақўм ва маъмуриятнинг қўшма қарори тасдиқланди.

Маъмурий хўжалик ишлари бўйича ўринбосар Абдуманноб Зиёов, қурилиш муҳандиси Йўлдошбой Зухриддинов бошпана битгунча Паризод опалар ҳовлисидан қадамларини узмадилар.

Боғбонлар оиласи эндиликда яхшилар ёрдамида янги турар-жойда умргузаронлик қилаяптилар. Қизининг узатилишидан ҳам кўнгли тўқ. Чунки суянчиғи жамоаси, энг муҳими саховатпеша одамлар бор. Кўрганингиздек, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси иш берувчи билан касабақўмнинг якдил ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бунда жамоа шартномаси катта рол ўйнамоқда. Негаки, жамоа шартномасида ходимлар меҳнатини муҳофазалаш ва рағбатлантириш, хавф-хатарсиз ишлаши, соғлиғини яхшилаш алоҳида бандлар билан мустаҳкамланган. Кейинги йилларда ана шу тадбирлар учун 59 миллион 716 минг 181 сўм сарфланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, меҳнат ва уруш фахрийларига ғамхўрлик яхши йўлга қўйилган. Байрамларда совға-саломлар билан уларга меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Масалан, ҳозирда нафақада бўлган олийгоҳнинг собиқ ходимларидан Эргашбой Дадахўжаев, Матлубахон Юсупова, Абдужалил Нурматовлар касабақўм аъзоларининг мададини ҳис қилиб яшашмоқда. Жамоада ўз ўрни борлигидан, қадр-қиммати улуғланганлигидан, меҳнатлари унутилмаганлигидан отахонлар, онахонларнинг бошлари осмонда.

Айниқса, ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг маиший шароитини яхшилаш эътиборда. Зарарли иш шароитда ишлайдиган 156 нафар ходим рўйхатга олинган. Ҳар куни эрталаб 0,5 литрдан ёғли сут тарқатилишининг боиси шундан. Бунга 2 миллион 203 минг 725 сўм ажратиляпти. Профессор-ўқитувчилар, талабалар, ходимларга кунига бериладиган бепул иссиқ овқатни қўшадиган бўлсак, унумли ишлаш учун қулай маиший шароит яратилганлиги маълум бўлади.

Олийгоҳда ходимларни соғломлаштириш ишлари кўнгилдагидек ташкил қилинган. Табиатнинг сўлим масканларидан Шоҳимардоннинг Ёрдон ҳамда Хонобод қишлоқларида ҳар бири 75 ўринли оромгоҳ ишлаб турипти. Талабалардан тортиб ходимларгача бу йил 3 сменада 200 киши ҳордиқ чиқарди. Шанба ва якшанба кунлари институт дарвозасидан ўқитувчилар, талабалар тушган автобуслар «Андижон денгизи» ҳамда Пахтаобод туманидаги хушманзара масканларга ҳордиқ чиқаргани йўл оладилар. Касабақўм ва маъмуриятнинг 2002-2003 йилни соғломлаштириш ва экология йили деб эълон қилган қўшма дастурида ана шундай тадбирлар кўзда тутилганди.

Спорт ва жисмоний тарбия ишларини ривожлантиришдаги ютуқларга ҳавас қиласиз. Волейбол, мини футбол, теннис, шоҳмот-шашка тўгараклари доим ишқибозлар билан гавжум. Сузиш ҳавзаси, 2 та спорт зали, ўйингоҳлар спортчилар хизматида. Бунда жисмоний тарбия ва соғломлаштириш кафедраси мудири доцент Н.Мудиновнинг хизматлари бор. Жорий йилда ўтказилган олийгоҳлараро вилоят турнирида тиббиётчиларнинг мини футбол командаси ғолиб деб топилди. Факультетлараро анъанавий вилоят спартакиадасида теннисчилар пешқадамлиги учун касабақўмнинг 50 минг сўмлик мукофоти билан тақдирланди.

Иш ҳақи, стипендиялар ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларда олийгоҳда бирор марта кечикишлар, қарздорликлар бўлмаган. Профессор-ўқитувчилар бажараётган юмушларига аттестация натижаларига кўра иш ҳақига қўшимча 15 фоиз устама билан рағбатлантирилмоқда. Жорий йилнинг ярим йилида бу тўловлар қарийб 22 миллион сўмдан ошиб кетди.

Тўловларни молиялаштириш қайси маблағлар ҳисобига деган саволга жавобимиз бисёр. Бу ҳақда касабақўм раиси Б.Жўрабоев шундай дейди:

– Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш – бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан биридир. Бу вазифани кафолатловчи ижтимоий ҳимоя билан уйғунлаштириб олиб бораяпмиз. Раҳбару мутахассисларимизнинг илмий-педагогик ташкилотчилиги, ишбилармонлиги; ташаббускорлиги туфайли олийгоҳимиз республикадаги энг нуфузли тиббиёт илмгоҳларидан бирига айланди. Натижада бир-бирига суяниб яшайдиган изланувчан, ҳамкор, билимдон кадрлардан иборат жамоа шаклланди. Касаба уюшма фаолларидан олийгоҳ ҳисобхонаси бошлиғи Баҳромжон Нуриддинов ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Унинг ташкилотчилиги билан контрактдан тушган пул маблағларини депозитга қўйиш ҳисобига банкда айланма маблағ жамғармаси ташкил топди.

Қаловини топса, қор ҳам ёнади, деганлари шу эмасми.

С.СОБИРОВ

СПОРТ ЗАЛИ ИШГА ТУШДИ

Улуғ аллома Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги арафасида "Пахтаобод" ширкат хўжалигининг Саидон қишлоғида янги спорт зали фойдаланишга топширилди. У ака-ука Соҳибжон, Валижон ва Набижон Қосимовларнинг маблағлари ҳисобидан қурилди.

Ака-укаларнинг спорт зали қуриш хусусидаги ташаббуси туман халқ таълими бўлими томонидан қизғин кутиб олинди. Аммо бу одамларни кўпам ажаблантирмади. Чунки, кўпчилик ака-укаларни соғлом турмуш тарзининг ихлосмандлари сифатида билишадида. Соҳибжон тумандаги 8-спорт мактабида болаларга юнон-рум курашидан сабоқ беради. Унинг шогирдлари бир неча марта вилоят ва республика мусобақаларида ғолибликни қўлга киритишган. Айни пайтда қирқ нафар ёшлар кураш машғулотларига қатнашмоқда.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Саволингизга ЎзКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

САВОЛ: амалдаги қонун ҳужжатлари тунги даврдаги иш вақтидан фойдаланишнинг қанақа хусусиятларини назарда тутади?

Д.КАЛОНОВ, Зангиота тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 122-моддаси биринчи қисмига биноан соат 22 дан то соат 6 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Тунги вақтдаги ишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, тунги вақтда иш сменаси у ёки бу тоифадаги ходимлар учун белгилаб қўйилган иш вақти муддатига нисбатан камида бир соатга қисқартирилиши керак.

Эслатиб ўтиш жоизки, илгариги Меҳнат қонунларида тунги сменанинг қисқартирилган муддати амал қилган тақдирда ҳам иш ҳафтасининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати сақланишини талаб этарди. Шу сабабли иш сменаси жадваллари ҳар қандай ҳолларда ҳам ҳафтасига 40 соат ишланишини таъминлайдиган қилиб тузиларди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 122-моддаси иккинчи қисмига биноан тунги иш муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади, буни иш вақтининг нормал муддати, шунингдек, қисқартирилган муддати билан ишловчилар учун ҳисобга олинадиган у ёки бу даврдаги иш вақти меъёри ҳисобини чиқаришда инобатга олиш шарт. Демак, иш ҳафтаси ёки бошқа календарь даврининг қонун, ҳужжатлари билан белгиланган нормал ёки қисқартирилган муддати мазкур ходим ҳисобга олинадиган муайян даврда иш сменаси (иш) жадвалига биноан тунги вақтда қанча смена ишлаб бериши керак бўлса, роппароса шунча соатга камайтирилмоғи лозим.

Масалан, оддий шароитларда ишловчилар учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ойлик меъёр 174 соат, иш сменаси жадвалига биноан ходим тунги сменадан олтитасида ишлаши керак. Бундай сменадаги иш муддати, маълумки, кундузги ва кечки сменага нисбатан бир соат қисқартирилган бўлади. Шу ходим учун бундай тартибдаги мазкур ойдаги иш вақти меъёри 168 соат (174-6) бўлади.

Корхонада тунги иш муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги иш муддатига тенглаштирилган ҳолларда иш вақти меъёри ходим тунги сменадан нечтасида ишлаган бўлса ҳам юқорида айтиб ўтилган тартибда қисқартирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 122-моддасининг учинчи қисмида тунги иш муддатини кундузги иш муддатига тенглаштириш мумкин бўладиган фақат иккита ҳолат келтирилган,холос. Хусусан, бундай қилишга ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда ҳамда бир кун дам олинган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишлаётган жойларда йўл қўйилади.

Демак, Меҳнат Кодекси тунги иш муддати кундузги иш муддатига бошқа ҳолларда ҳам тенглаштирилишига йўл қўяди. Бироқ бундан иш берувчи ўзи лозим топган ҳар қандай пайтда тунги иш вақтини кундузги иш вақтига тенлаштира бериши мумкин экан-да деган хулосага бормаслик лозим. Эслатиб ўтиш жоизки, ички меҳнат тартиби қоидалари, иш сменаси жадваллари иш берувчи томонидан якка тартибда эмас, балки ходимларнинг вакиллик органи билан келишуви асосида тасдиқланади. Бундан ташқари, тунги иш сменаси кундузгисига «ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур ҳолларда»гина тенглаштирилиши мумкин. Агар низо келиб чиқса иш берувчи тунги смена айни шу сабабдан кундузги сменага тенглаштирилганлигига ишончли, асосли далиллар тақдим эта олмаса, бундай тенглаштириш ҳаққоний эмас деб, тунги вақтда ишланган иш соатлари эса иш вақтидан ташқари, бажарилган иш деб топилади.

Қолаверса, Меҳнат Кодексининг 122-моддасига биноан тунги иш муддати ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам кундузги иш муддатига тенглаштирилиши мумкин. Тунги вақтдаги ишларни бажариш учун қабул қилинадиган ходимлар, (тунги қоровул, сантехник, электрчи ёки корхонага тунги вақтдаги навбатчиликка қабул қилинадиган бошқа мутахассисликлар ва шу кабилар) бунга мисол бўла олади. Бундай ҳолларда тунги иш сменаси муддати қисқартирилмайди,негаки юқорида зикр этиб ўтилган ва уларга ўхшаш иш жойлари айни тунги вақт мобайнида корхонадаги ёрдамчи ишларни бажариш учун махсус барпо этилган.

САВОЛ: Кандай тоифадаги ходимларни тунги сменадаги ишларга жалб этишни қонун чегаралайди?

Б.ШЕРМАТОВ, Қарши тумани

ЖАВОБ: Тунги иш вақтидан фойдаланишнинг бошқа бир ўзига хос хусусияти айрим тоифадаги ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш чеклашишида ўз аксини топган.

Чунончи, ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар, ишлаб турган ногиронлар ва бошқа ходимлар фақат махсус қоидаларга риоя этилган ҳолда тунги вақтдаги ишларга жалб этилиши мумкин. Бундай тоифадаги аёлларни тунги ишларга фақатгина уларнинг розилиги билан жалб қилиш мумкин. Боз устига бундай розилик бўлган тақдирда ҳам, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар тунги вақтдаги ишларга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 245-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга жалб этиш таъқиқланади. Бундан ташқари бу меъёр талаби беистисно бўлиб, ўсмир йигитга ёки қизнинг тунги сменада ишлашигина эмас, балки унинг иш вақти ақалли бир қисмининг тунги вақтнинг бирон бир пайтига тўғри келиб қолишининг ўзи ҳам қонун талабининг бузилиши деб ҳисобланади. Шу сабабли ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга иш вақтининг қанақа режими белгиланган бўлмасин, у шундай ҳисоб билан тузилиши керакки, бунда ўсмир учун иш кунининг тугаш пайти кеч соат 22 дан кечикмайдиган, ибтидоси эса эрталаб соат 6 дан олдин бошланмайдиган бўлиши шарт.

САВОЛ: Қонунда байрам кунлари арафасидаги иш вақтининг муддати қандай белгиланган?

Қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вакти муддатида ишлаётганларга байрам кунлари арафасида иш вакти қисқартириладими? Байрам кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ҳамда ҳак тўлаш тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Г.АЗИМОВА, М.ҒАНИЕВА, Олтинкўл тумани.

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка биноан ҳар йили тўққиз кун байрам кунлари қилиб белгиланган. Бу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 131-моддасида кўрсатиб ўтилган:

1-январ – Янги йил, 8-март – Хотин-қизлар куни, 21-март – Наврўз байрами, 9-Май – Хотира ва Қадрлаш куни, 1-сентябр – Мустақиллик куни, 1-октябр – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8-декабр – Конституция куни, Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни, Курбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа), диний байрамининг биринчи куни.

Меҳнат Кодексининг 121-моддасига асосан байрам кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Бу тартиб қисқартирилган ёки тўлиқсиз иш вақтида ишлаётганларга ҳам тегишли.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи, ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига асосан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Меҳнат Кодексининг 116-моддасига асосан бундай ходимларнинг рўйхати қуйидагилардан иборат:

– ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга ҳафтасига йигирма тўрт соат, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат;

– биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат;

– ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда ишлаётган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соат;

– алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга ўттиз олти соат;

– уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар муассасаларда ишлаётган аёлларга ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланади.

Ходимларга тўлиқсиз иш вақти ҳам ўрнатилиши мумкин. Меҳнат Кодексининг 119-моддасига мувофиқ тўлиқсиз иш вақти тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасида ҳам бўлиши мумкин. Тўлиқсиз иш вақти ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномасини тузиш вақтида ҳам, кейинчалик иш давомида ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Бунда иш вақти муддати меъёри камаяди, яъни ходим иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соат ўрнига, ўзаро келишилганидек ҳафтасига ўттиз, йигирма соат ва ундан ҳам кам ишлайди.

Тўлиқсиз иш ҳафтасида ишлаётган ходимларнинг кундалик иш муддати сақланиб қолган ҳолда, ҳафтадаги иш кунларининг сони камаяди. Масалан, ходим бешкунлик иш ҳафтасида тўлиқ уч ёки тўрт иш куни ишлайди.

Меҳнат Кодексининг 229-моддасига биноан ҳомиладор аёлларнинг ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларнинг илтимосига кўра уларга тўлиқсиз иш вақти жорий қилиниши керак. Бевосита болаларнинг тарбияси билан банд бўлган шахслар ҳам кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаётган ходимга унинг ишлаган вақтига ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Меҳнат Кодексининг 157-моддасида байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тўлаш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида белгиланади.

Байрам кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни бериш билан қопланиши мумкин. Ходимга байрам кунидаги иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.

ОЛИЙ БАХТ



Савол: 1999 йилда олийгоҳга давлат гранти асосида ўқишга кирганман. 2002 йилда соғлиғи ёмонлашгани сабабли бир йиллик академик таътилга чиққанман. 2003 йилда ўқишга қайтиб келсам кадрлар бўлимидагилар, - энди контракт шартномаси асосида ўқийсиз, - деб буйрукни чиқармасдан ишни пайсалга солиб келишяпти. Шу тўғрими?

И.СУЛАЙМОНОВ, Тошкент шаҳри талаба

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабаларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби» ва Низоми Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 1999 йил 6 августдаги 793 сонли рақами билан рўйхатга олинган.

Унда илгари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов контракт асосида ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади. Бироқ касаллиги туфайли академик таътил олиб кетган - давлат гранти бўйича ўқиган талаба яна давлат гранти асосида ўқишни давом эттиради.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

Савол: 1.Ўқитувчи ёшга доир пенсияга чиққан. Лекин унинг сабоқ бериб келган фанидан ўқитувчи етишмайди. Ана шу сабаб билан у ишга чакиртириб олинса, унга пенсияси тўлиқ берилиши мумкинми?

2.Мактабда тегишли бирор-бир фан ўқитувчилари етишмаганда мактаб директори оддий ўқитувчига, неча соатгача дарс тақсимлаши мумкин бўлади?

У. ЖЎРАЕВ, Олот тумани

Жавоб: 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сонли «Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида»ги Фармонига асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи қуйидаги пенсионерларга пенсиялари 100 фоиз миқдорида тўланиши белгиланган:

– II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) I, II гуруҳ ногиронларига ва Чернобил ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга;

– II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганларга;

– фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг пенсиядаги раисларига;

– ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячиларга, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам 100 фоиз пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолган ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

2. Мактабда тегишли бирор бир фан ўқитувчилари етишмаганда мактаб раҳбари мактабдаги ўқитувчига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб туман шаҳар халқ таълими бўлимлари рухсати билан қўшимча дарс соатлари бериши мумкин (1 ставка миқдорида).

БЎЛАЖАК БОЖХОНАЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида илк бор биринчи курс тингловчиларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона ходимлари зиммасидаги масъулият жуда катта. Соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, божхона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш давр талаби. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институти ана шундай мақсадларга хизмат этаётир.

Юртбошимиз Олий ҳарбий божхона институтига ташрифи чоғида миллий ва иқтисодий манфаатларимизни дадил ҳимояловчи, фидойи, билимдон, ҳалол, ўз соҳасини мукаммал эгаллаган мутахассислар тайёрлашда ушбу ўқув масканининг аҳамияти катта эканини уқтирган эди. Бу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мазкур таълим масканида юқори малакали, халқига, бурчига содиқ, юксак ахлоқли божхона хизмати ходимларини тайёрлаш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда ҳал этишга асосий эътибор қаратилаётир.

Бу ерда бўлғуси мутахассисларнинг пухта билим эгаллашлари учун махсус аудиториялар, замонавий ўқув асбоблари ўрнатилган лабораториялар, компьютерлаштирилган кутубхона ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари мавжуд.

Мазкур билим даргоҳининг биринчи босқичига бу йил 125 нафар тингловчи қабул қилинди. Улар бир ой мобайнида ҳарбий ва жанговар тайёргарлик машғулотларини муваффақиятли ўтди.

Маросимда бўлажак божхоначилар Президентимиз, Ватанимиз ва халқимизга ҳамиша садоқат билан хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қилди.

(ЎзА)

САВДОДА - МАҲАЛЛИЙ МУЛК

Жорий йилнинг 9 ойида Тошкент шаҳар биржаси 33 кимошди савдоси, 2 та танлов ва 144 биржа савдосини ўтказди. Уларда 1042 та кўчмас мулк ва автотранспорт объекти сотилди. Савдонинг умумий ҳажми 5,6 миллиард сўмдан ошди.

Улар орасида давлат ва маҳаллий мулк объектлари бор. Узоқ муддатли ижарага бериладиган, уйжой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши учун ажратиладиган ер майдонларига талаб катта. «Юнусобод универсал бозори», «Паркент бозори», «Авиасозлар бозори» ҳудудида дўкон қуриш ҳуқуқи учун ўтказилган савдодан 927 миллион сўм маблағ тушди.

«Автомакон» савдо-ярмарка мажмуи ҳудудидаги дўконларни сотиш бўйича савдолар ҳам муваффақиятли ўтди. 287 та савдо шохобчаси 861 миллион сўмга сотилди.

Маҳаллий биржа маркази экспертларининг сўзларига кўра ҳозир биржа фаолият кўлами кенгайтирилмоқда, асосий эътибор маҳаллий мулк объектларини сотишга қаратилмоқда. Умумий қиймати 2,3 миллиард сўмлик 236 та шундай объект сотилди. Офислар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ювиш объектлари қуриш учун ер майдонлари ҳам яхши сотилмоқда.

(ЎзА)

ЯНГИ ТРАКТОР СИНАБ КЎРИЛМОҚДА

Харьков трактор заводида тайёрланган 190 от кучига эга «Т-150-05-09» русумли трактор пахта далаларига ишлов беришга мослаштирилган. Деҳқонларимиз учун янги бўлган ушбу техника Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат марказида синаб кўрилмоқда.

Узайтирилган гусеницали ушбу трактор тупроқ таркибига зарар етказмайди. Бу эса пахта ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, бу техникадан йил давомида нафақат тупроққа ишлов беришда, балки бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу тракторда турли ускуналар ва мосламаларни қўллаган ҳолда ерни текислаш, ариқлар қазиш, каналларни янгилаш ва бошқа кўплаб ишларни амалга ошириш мумкин.

«Т-150-05-09» тракторининг Ўзбекистон заминида синовдан ўтказилиши бежиз эмас. Республикамиз кўплаб давлатларнинг турли хил техника ишлаб чиқарувчиларини ўзига жалб қилаётир. Давлатимизнинг бундай сиёсати мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш учун кенг кўламли имкониятларни яратмоқда.

- Бугун ҳамкорликда ишлаб чиқарган тракторлардан бирини синаб кўрмоқдамиз, - дейди «Ўзагросервис-премьер трайд» Ўзбекистон-Украина қўшма корхонаси раҳбари В.Рубанович. -Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Ўзбекистонда ана шундай русумдаги гусеницали тракторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида шартнома тузилди. Уларни бунга мослаштирилган корхоналар базасида ишлаб чиқариш режалаштирилянти. Ушбу масала ижобий ҳал этилса, янги тракторлар учун айрим эҳтиёт қисмлар Ўзбекистонда тайёрланади. Шунингдек, ғилдиракли тракторларни етказиб бериш ва ишлаб чиқариш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Наманган вилоятидаги барча туманларда бошланғич касаба уюшма етакчилари, хўжалик раҳбарлари, ҳуқуқшунослар ва бош ҳисобчилар иштирокида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳаки ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши, муддати ўтган иш ҳақидан қарзларни ундириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Кенгашнинг иш ҳаки ўз вақтида тўланиши аҳволи устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича услубий тавсияси асосида фуқаролик судлари орқали ундириш чоралари ҳақида тўлиқ тушунчалар берилди. Айни чоғда ушбу йўналишдаги саъй-харакатлар ўз натижасини бермоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

бўйича услубий тавсия

Чунончи, 2002 йилда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Норин туман қўмитаси иш ҳақидан тармоқдаги қарздорликни ундириш мақсадида хат билан фуқаролик судига мурожаат қилди, натижада 40 миллион сўм иш ҳаки ундириб берилди. Жорий йилнинг дастлабки ойи мобайнида фақат қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари вилоят раислар кенгаши томонидан Наманган туманлараро фуқаролик судига 2 та даъво аризаси киритилди. 3- Наманган қурилиш бошқармасининг 144 ходимига иш ҳаки ва 4 нафар ходимга нафақа ундирилди.

Жамоа келишувлари ва шартномаларига асосан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилди. Жумладан, иш ҳақини муддатида бермаётган корхоналарга талабномалар қўйилди. Бу масала йиғилишларда муҳокама қилинди. Натижада иш ҳақидан қарздорликни бир мунча камайтиришга эришилди.

Вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда тузилган иш ҳақини ўз вақтида тўланиши аҳволи устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича услубий тавсия ишлаб чиқилди. Мазкур тавсия касаба уюшма ташкилотларига тарқатилиб, жамоатчилик назорати кучайтирилди. Иш ҳақидан қарздорлик ҳақида вилоят Кенгашининг тармоқлари бўйича ҳар ойда маълумот йиғиш йўлга қўйилди. Бу усул тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмиталарининг масъулиятини оширмоқда. Жамоатчилик назоратини ташкил этишда касаба уюшма қўмиталарининг бу соҳадаги фаолиятини кенгайтирмоқда.

Услубий тавсияга асосан унинг тадбирий дастури ишлаб чиқилди. Учқўрғон туман таълим ва фан ходимлари тармоқ касаба уюшма қўмитаси туман прокуратурасига иш ҳақларини ўз вақтида тўланмаётганлиги хусусида мурожаат қилди. Натижада муаммо ўз ечимини топди.

Вилоятда шундай ташкилотлар борки, маошларни вақтида бериб, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда юксалишга эришмоқдалар. Масалан, «Учқўрғонёғ» очиқ турдаги акционерлик жамиятида, туман автомобил йўллари бошқармасида «Косонсой текстил» қўшма акционерлик жамиятида иш ҳақи жамоа шартномаларида кўрсатилган муддатларда бериб борилмоқда.

Меҳнат Кодексининг 154-моддасига асосан иш берувчи ўзининг молиявий имкониятидан қатъий назар ходимларга бажарган иши учун иш ҳақини белгиланган муддатда бериши шарт. Агар иш берувчиларнинг ҳисоб рақамида пули бўлмаган тақдирда банкдан мақсадли кредит олиб иш ҳақини бериши мумкин.

Ижтимоий шерикчилик тамойили асосида ишлар эканмиз, иш ҳақини кечиктирмаслик учун иш берувчи олдига қўйиладиган талаблардан бири, бу ходимлар умумий мажлисини чақириб, унинг муҳокамасига қўйишдир. Шу йилнинг беш ойи мобайнида кечиктирилган иш ҳақларини ундириш учун 45 ҳолда ходимлар умумий мажлисида иш берувчи ҳисоботи муҳокамага қўйилди. Бу яхши самара берди.

Ж.НАЗАРОВ

АООТ «ШАХТАКУРУВЧИ»

Объявляет о проведении внеочередного общего собрания акционеров 30 октября 2003 года по адресу: г.Ташкент, ул.Наккошлик дом № 2. Начало собрания в 10-00 часов.

Список акционеров

Имеющих право на участие на внеочередном общем собрании акционеров составлен на 15 сентября 2003 г.

Повестка дня:

1. Итоги 9 м-ц 2003 г. по выполнению бизнес-плана и финансовое состояние общества. Утверждение сметы расходов и бух.баланса.

2. Об изменении организационно-правовой формы собственности акционерного общества.

3. Отчет ревизионной комиссии за 9 месяцев 2003 г.

Наблюдательный Совет

И.ХАСАНОВ олган суратлар

ТЕАТР САНЪАТИ КАРНАВАЛИ

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллиги ҳамда Обод маҳалла йилига бағишланган «Арт карнавал» бўлиб ўтди. У Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий театр санъати равнақига, ёшларни истиқлол, Ватанга садоқат руҳида тарбияловчи бадиий пухта саҳна асарлари яратишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ёшлар театрларининг «Ҳумо» халқаро фестивали, олий ўқув юртлари театр-студияларининг «Ниҳол» республика фестивали, саҳна санъати фидойиларининг хотира кечаларини ташкил этиш яхши анъанага айланди.

Санъат карнавалида республикамиз ижодий жамоаларининг ўтган вақт мобайнидаги фаолияти сарҳисоб этилиб, истиқболдаги режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорликда Ўрта Чирчиқ туманидаги «Аранчи» аэродромида фахрийларнинг парашют спорти бўйича анъанавий мусобақасини ўтказди.

МАҲОРАТДА ГАП КЎП

- Республиканинг барча вилоятларидан келган ўттизга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди, - дейди «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг матбуот котиби Саид Валиев. -Мақсадимиз малакали парашютчиларнинг маҳоратини намойиш этиш билан бирга улар эгаллаган билим ва тажрибани ёш авлодга ўргатишдан иборат.

Қирқ ёшдан ошган парашютчилар ўртасида саккиз юз метр баландликдан сакраш бўйича ўтказилган мусобақада эркаклар ўртасида биринчи ўринни Д.Мельковский қўлга киритди. Аёллар ўртасида кечган беллашувда биринчи ўрин С.Красикова-га насиб этди.

(ЎзА)

Даъват

ТАБИАТНИ АСРАНГ

"Тоза ҳаво" тадбири

Она табиатнинг шукухи бетакрор. Инсон ўзи яшаб турган муҳитни беғубор ва мусаффо, саранжом-саришта, тоза ва покиза, обод ва файзли кўришни истайди. Кашқадарё воҳаси бир томони корли тоғлар билан ўраб турган, асрий чинорлар, яшил арчазорлар қулф урган, бир ёни кўшни Туркманистон қумликларигача чўзилиб кетган бепоён чўллар ястанган ҳудудни тасарруфига олади. Вилоятнинг тоғу тошлар, дала-даштларида 4 мингдан зиёд ўсимлик турлари, сон-саноксиз наботот олами, «Қизил китоб»га кирган турфа хил қушлар ва ҳайвонлар бор.

Республикамизнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалга киритилиши табиат муҳофазаси, мавжуд экологик муаммолар ечимини топишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимликлар, ҳайвонот турларини тиклаш ва сақлаб қолиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган. Жорий йилда атроф муҳофазаси учун бир миллиард 156 миллион 591,6 минг сўмлик иш бажариш режалаштирилган. Зеро, инсоннинг ҳаёти наботот олами билан узвий боғланган. Яшиллик дунёсини, она заминни, табиатни ардоқлаш, ҳар бир гиёҳни асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиш муқаддас бурчимиздир.

Айни пайтда Ҳисор тоғ пасттекисликлари ва ўрмонзорларидаги ноёб дарахтларни сақлаш, кўпайтиришга катта эътибор берилябти. Қарши шаҳрида лойиҳа қиймати 107 миллион сўмлик дендрология боғи қурилиши давом эттириляпти. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамғарма маблағлари ҳисобидан 57 миллион сўмлик ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилди. Дендрология боғи барпо этилгач, дунёдаги мавжуд ўсимликлар билан таминлаш ва бошқа ижтимоий экологик мақсадларга сарфланади.

Табиат қонунларига беписанд қараш мумкин эмас. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари томонидан ўтказилган текшириш ва таҳлилий назорат туфайли битта корхонанинг фаолияти тўхтатилди. Табиат муҳофазаси қонунларини бузган раҳбар ва фуқароларга 400 минг сўмдан зиёд маъмурий жарималар солинди. 6 та корхона, ташкилот ва фуқаролардан 277 минг сўм зарар ундириб олинди.

Экологик муаммоларни бартараф этиш муҳим вазифа. Шунга қарамасдан Қарши шаҳри канализация тармоғини кенгайтириш, Китоб-Шаҳрисабз шаҳарлараро тозалаш иншоотида канализация қуриш бўйича етарли даражада жонбозлик кўрсатилмаяпти. Муборак газни қайта ишлаш заводида саноат чиқиндилари полигони қурилиши суст давом этяпти. Нишон туманидаги оқава сувларни тозалаш иншооти бир неча йилдан бери ишламайди.

Маҳсулот ва хизматларни экологик сертификатлаш маркази томонидан озон қатламини емирувчи моддалар ишлатувчи корхоналар аниқланиб, уларнинг фаолияти қаттиқ назоратга олинган. Бироқ, «Шўртаннефтгаз» унитар корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, пахта тозалаш, асфальт-бетон ишлаб чиқарадиган корхоналарда чанг ва газларни ушлаб қолиш қувватига эга янги ускуналар, чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни жорий қилиш тадбирлари суст қабул қилиниб, бу борада ишлар давом эттирилмоқда. Ана шу дўстлик, биродарлик рамзи сифатида Қува туманида Япония боғига асос солинди. Водий ер иқлим шароитида Япония олмаларини етиштириш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА)

нинг иккинчи босқичида вилоят бўйича Шаҳрисабз шаҳридаги Саъдий маҳалласи ғолиб деб топилди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида атроф-муҳит муҳофазаси ва экология бўйича мутахассислар тайёрланяпти, мах-

нишиш имконияти яратилади. «Қизил китоб»га киритилган ўсимликларни кўпайтириш, сақлаб қолиш йўлга қўйилади.

Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ҳар йили уч босқичда «Экология ва саломатлик» кунлари ўтказилади.

«Экология ва саломатлик» анъанавий кўрик-танлови аҳоли истиқоматгоҳлари, корхона ва ташкилотлар, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, қишлоқ ва маҳаллаларнинг экологик барқарорлигини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда самарали таъсир кўрсатяпти. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида Шаҳрисабз шаҳри, Қаршидаги «Ҳ.Комилов номли мебел ишлаб чиқариш» очиқ ҳиссадорлик жамияти, Косон шаҳридаги Регзор маҳалласи ғолиб деб топилди. «Оталар чойхонаси» кўрик-танловида Косон шаҳрининг Месит маҳалласида жойлашган «Умар ота чойхонаси» Республикада учинчи ўринни эгаллади.

«Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг дастлабки босқичида мамлакатимиз бўйича Қарши шаҳридаги Рогузар маҳалласи биринчи ўринни қўлга киритди. Рогузарликлар кўрик-танловнинг биринчи даражали дипломи ва 5,5 миллион сўмлик пул мукофотига сазовор бўлдилар. Бу маблағ маҳаллада қурилаётган спорт мажмуи учун жиҳозлар сотиб олиш ва кўчаларда чиқиндилар учун махсус темир қутилар ўрнатишга сарфланади. Кўрик-танлов-

сус кафедра ташкил этилган. Назарий билимларни ишлаб чиқариш билан боғлаш мақсадида «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида кафедра филиаллари ишлаб турибди. Ҳозир олимлар Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида илмий изланишлар олиб боришяпти. Улар томонидан хўжалик шартномалари асосида 10 миллион сўмлик илмий ишлар бажарилди. Институтда иқтидорли талабалар шуғулланиши учун «Эко-кашфиётчи» клуби фаолият кўрсатяпти. Кафедра хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув даргоҳлари билан илмий услубий ҳамкорлик ўрнатган.

Экологик таълим мустаҳкамланмоқда. Ёш мусаввирларнинг «Отахонлар ва онахонлар – набиралар нигоҳида» республика кўрик-танловининг якуний босқичида бошланғичлар ўртасида Қарши шаҳридаги 39-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси Акмал Бозоров ғолибликни қўлга киритди.

Шаҳрисабз шаҳрида туман ҳокимлиги, прокуратураси, хотин-қизлар қўмитаси, Қарши Давлат университети билан ҳамкорликда «Экология ва инсон» мавзуида илмий анжуман, Муборакда «Экология, ёшлар ва спорт» шиори остида миллий кураш мусобақалари уюштирилди. «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлиги доирасида ўтказилган шанбаликдан тушган маблағ «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг ижроси, атроф-муҳит мусаффолигини таъ-

И.ИСОМИДДИНОВ

ИЛК НАТИЖАЛАР

Теннис

6 октябр куни бошланган «Тошкент опен» халқаро аёллар турнирида дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган кучли ракетка усталари иштирок этмоқда.

Мазкур мусобақада юртимиз шарафини икки теннисчи: Иванна Исроилова ҳамда Оқгул Омонмуродова ҳимоя қилмоқда. Оқгул «Тошкент опен» халқаро аёллар турнирининг энг ёш ракеткачисидир.

Шу кунги мусобақалар мутахассислар кутганидан ҳам чиройли комбинацияларга бой бўлди. Буни соҳа ходимлари теннисчилар мусобақага жиддий тайёргарлик кўргани билан изоҳламоқда. Дастлаб М.Головизнина (Россия) ҳамда Е.Татаркова (Украина) кортга тушди. М.Головизнина барча мусобақаларда ўйиннинг илк дақиқалариданоқ ташаббусни ўз қўлига олишга интилади. Бу сафар ҳам у рақибасини анча қийин аҳволга солиб қўйди ва икки сет натижасига кўра, 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги босқичга чиқди.

С.Окамото (Япония) ва Н.Тонгсали (Таиланд) баҳси ҳам кескин ва муросасиз кечди. Муносиб рақиблар ғолиблик учун астойдил курашди. Уч сет давом этган баҳсда С.Окамото 7:5, 1:6, 6:4 ҳисоби билан кейинги босқичга ўтди.

Хитой Тайпейидан келган 2003 йилги Осиё чемпионати ғолибаси Чин Вей Чанганинг бу сафар омади чопмади. У ҳарчанд уринмасин германиялик рақибаси А.Барнани енга олмади - 4:6, 4:6. Шу куни Л.Скавронскала (Россия) ҳамда К.Лигган (Ирландия) учрашувида 6:4, 3:6, 6:4 ҳисоби қайд этилди.

Навоийхонлик

«АҲЛИ ФАНО ИСТА...»

Фано тариқида ҳар кимки ҳосил этти русух,
Риёву зуҳд анинг оллида эрур мансух.

Не навъ ўзлуги мансух бўлмағай қошида,
Бировки, дўст шуҳудиға ҳосил этти русух.

Чу ишқсиз эди зуҳд аҳли келди ноболиғ,
Эрурлар атфол, эл гарчи дер аларни шуюх.

Демакта воқиъа ёлғону чин тахайюл этиб,
Киши эканларин андоқки ёд қилса масух.

Жаҳони хокий эрур бир кесак, вале нопок,
Этак етурмамак авло мулаввас ўлса кулух.

Арит сиришк била зоҳирингда бор эса чирк,
Юв тавба суйи била бўлса ботининг аро шух.

Навоий, аҳли фано иста, қўй риё аҳлин,
Ки, найшакар борида туҳфа қилмади киши лух.

«Наводир ун-ниҳоя»дан ўрин олган Алишер Навоийнинг ушбу ғазали кейинчалик «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига киритилган. Ғазал тўлиғича тасаввуфий мазмунда бўлиб, у асосан фано ва зуҳд мафҳумлари ҳамда фоний ва зоҳид образларини зидлантириш асосига қурилган.

Фано тариқида ҳар кимки ҳосил этти русух,
Риёву зуҳд анинг оллида эрур мансух.

Яъни ҳар кимки фано йўлида барқарор ўрнашган бўлса, риё ва зуҳд унинг томонидан рад этилиши лозим. Бошқача айтганда кимки фано йўлига кириб, фонийликка эришган бўлса, у зуҳд ва риёни тарк этади. Чунки фано ўзликдан кечиш, зуҳд эса ўзига бино қўйишдир. Улардан пайдо бўладиган натижа ҳам икки хилдир: фанодан ҳузур, яъни Ҳақ васли ҳосил бўлса, зуҳддан кибру ҳаво, риё, парда-тўсиқ, яъни асл мақсаддан узоқлик пайдо бўлади:

Не навъ ўзлуги мансух бўлмағай қошида,
Бировки, дўст шуҳудиға ҳосил этти русух.

Байтдаги «дўст»дан мурод - Ҳақ. Бинобарин, дўст (ҳақ) шаҳодатига етган кишининг қандай қилиб ўзлигидан номнишон қолиши мумкин? Ушбу байт олдинги байтнинг изоҳловчиси вазифасини ўтайди. Олдинги байтдаги «фано тариқида русух ҳосил этган» киши ушбу байтда тўғридан-тўғри «дўст шуҳудиға русух ҳосил этган» киши сифатида шарҳланади, фонийлик - Ҳақ шаҳодатига етиш эканлиги урғуланади. Фанони бундай талқин этишда ваҳдати шуҳуд таълимотининг излари яққол сезилади.

Зуҳд аҳли - зоҳидларнинг Навоий томонидан танқид остига олиниши уларнинг «ноболиғ» - балоғат, камолотга етмаганлари билан боғлиқдир. Навоий наздида инсонни балоғатга етказадиган, маънавий-руҳий такомил сарҳадларига кўтарадиган омил - ишқ:

Чу ишқсиз эди зуҳд аҳли келди ноболиғ,
Эрурлар атфол, эл гарчи дер аларни шуюх.

Зоҳидларни зуҳд, ғўшанишинликка тортувчи куч ишқ эмас, дунёга нафратдир. Ишқ қалбини эгаллаган инсон эса муҳаббат завқи ичида яшайди. Ишқ инсон руҳи ва ақлини чиниқтириб, тоблайди. Муҳаббат синовларидан ўтмаган, ишқ печу тоби ичида яшамаган инсон балоғат даражасига ета олмайди. Шарқ алломалари ишққа мисни олтинга айлантирувчи «иксири аъзам» дея таъриф берганлар. Ишқдан бебаҳра инсон мисга, ишқдан баҳраманд, унинг манзилларини босиб ўтиб, камолот даражаларини забт этганлар эса олтинга қиёсланган. Навоий ҳам ушбу қарашлардан келиб чиққан ҳолда балоғат - руҳий-маънавий камолот асосини ишқ билан боғлиқликда талқин қилади. У зоҳидларни ҳақиқий ишқдан бехабарликлари сабабли танқид қилади. Ошиқлик комиллик экан, ишқдан бебаҳралик камолотдан йироқликдир. Бинобарин, ишқдан йироқ зоҳидлар такомилдан узоқ атфол (ёш болалар)дир, гарчи халқ уларни обидлик қиёфасига кўра шайх деб атасада.

Демакта воқиъа ёлғону чин тахайюл этиб,
Киши эканларин андоқки ёд қилса масух.

Навоий олдинги байтда зоҳидларнинг ички, руҳий қиёфасини «ноболиғ» деган бўлса, ушбу байтда уларни росту ёлғон (бу ерда руҳоний такомил тажрибаси, гўёки уларга юзланган илоҳий фатҳ)дан лоф уриб, ўзларини аҳли комиллари қилиб кўрсатишларини бемаънилик, ахмоқлик (масух) деб атайди.

Кейинги байтдан бошлаб ғазалда янги бир маънавий қатлам очила боради. Зуҳду риё танқиди бир қарашда бир-бири билан боғлиқ бўлмаган дунё инкори ва дунёпарастлик, жаҳондорлик танқиди билан ўрин алмашади.

Жаҳони хокий эрур бир кесак, вале нопок,
Этак етурмамак авло мулаввас ўлса кулух.

Ушбу байт ғазалнинг авжи-кульминациясидир. Унда шоир илгари сурган қараш тўлиқ ва бекаму кўст ифодаланган. Бу Навоийнинг дунё ва унга тааллуқлилик, дунёпарастлик билан боғлиқ муросасиз хулоса ва позицияларидир. Кульминациона байтнинг муҳим ҳусусияти унинг ўзигача ва ўзидан кейинги байтлар моҳиятини ойдинлаштириб келишидадир. Зоҳидларнинг нафратла дунёга боқишларига қарамасдан ундан қутула олмаганлари, у билан боғлиқлик, алоқа ипларини буткул уза олмаганлари англашилади. Зеро, нафрат ҳам муносабат, боғлиқликнинг бир шаклидир. Шунингдек, кейинги байтдаги «чирк» ва «шух»нинг дунё чирки ва жаҳон қасмоғи эканлиги ҳам ушбу байт воситасида аён бўлади. Навоий уларни кўз ёш ва «тавба суви» билан ювмоқликни маслаҳат беради:

Арит сиришк била зоҳирингда бор эса чирк,
Юв тавба суйи била бўлса ботининг аро шух.

«Наводир уш-шабоб»да биринчи мисрадаги «зоҳирингда» ўрнига ҳам «ботинингда» сўзи келган. Бизнингча эса, «Наводир ун-ниҳоя»даги вариант мантиқийдир. Чунки «сиришк» - кўз ёш - реал маънодаги сув бўлиб, у зоҳирдаги чанг, ғуборларни ювишга қодир. Ботиндаги чирк эса мажозий бўлиб, уни аритиш учун худди шу маънодаги «тавба суви»ни қўлламоқ ўринлидир.

Охирги байтда шоир ҳусни мақтаъ талабларига амал қилган ҳолда матлаъда қаламга олинган мавзуга яна қайтади. Аммо бу қайтиш оддий бўлмай, унда илк байтда илгари сурилган фикр якунланади, хулосаланади. Натижада мақтаъ нафақат якуний хулоса, балки тавсия-ҳаракат дастури сифатида ҳам талқин этилади:

Навоий, аҳли фано иста, қўй риё аҳлин,
Ки, найшакар борида туҳфа қилмади киши лух.

«Найшакар» - шакарқамиш, «лух» бўйра қилинадиган оддий қамишдир. Шоир фано аҳлини шакарқамишга, риё аҳлини лухга ўхшатади. Гарчанд, уларнинг иккаласи ҳам қамиш ва шаклан бир-бирига ўхшаб кетса-да, уларнинг моҳияти ва ҳосиласи икки хил. Биринчи хил қамиш (кўчма маънода фано аҳли)дан шакар (Ҳақ васли) ҳосил бўлса, иккинчиси (риё аҳли)дан фақат сурат, шаклгина ҳосил бўлади (моҳият эмас). Шу сабабли ҳам Навоий лирик қаҳрамонни фано аҳлини исташга чақиради.

Хуллас, Навоийнинг ушбу ғазали кўнгилни ўткинчи, бебақо нарсалардан узиб, ўзгармас, абадий қадриятлар билан боғлаш лозимлигига бағишлангандир. Фақат шу йўл билангина инсондаги риё, иккиюзламачилик, шаклбозлик, дунёпарастлик сингари иллатларга барҳам бериш мумкин.

Нодир РАМАЗОНОВ,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими

ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ

Совринли ўринлар учун курашаётган жамоалар 26-турда ўзларини кўрсатишди. Кучли олтиликдан жой олиб турган барча клублар ғалабага эришиб, очколари сонини учтаданга кўпайтириб олишди.

Тўғриси, ўз майдонида тўп сурган «Пахтакор» ва «Қизилқум» командаларининг ўртаҳол жамоалар ҳисобланмиш «Самарқанд-Д» ва «Қўқон-1912» клубларига очко бериб қўймасликлари башорат қилинган бўлса-да, меҳмонда ўйнаган «Насаф», «Нефтчи» ва «Навбаҳор» учун ушбу тур анча оғир кечиши кўзда тутилган эди. Йўқ, даъвогарлар учун майдоннинг унчалик аҳамиятга эга эмаслигини исботлаган клублар ўз мавқеларини сақлаб қолишга эришдилар.

Умуман, 26-турда 26 марта ўйин майдон марказидан бошланди. Бу ҳар ўйинда ўртача учтадан тўп киритилди, деганидир.

Энди учрашувлар натижаси билан танишинг: «Гулистон» - «Насаф» -1:2, «Машъал»-«Бухоро» - 3:0, «Металлург» - «Андижон» - 3:1, «Қизилқум» - «Қўқон-1912» -5:1, «Сурхон»-«Нефтчи»-1:3, «Цементчи» - «Навбаҳор» -0:2, «Дўстлик» - «Трактор» - 2:0, «Пахтакор» - «Самарқанд-Д» - 2:0.

Дарвоқе, футбол ишқибозлари учун яна бир янгилик. Осиё чемпионлар кубоги учун финал баҳсининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн» ҳамда икки ўйин ҳисобига кўра «Пахтакор»ни таслим этган Таиланднинг «Бек-Теро» клублари ўзаро рўбарў келдилар. Ўйин арабларга фойдасига ҳал бўлди - 2:0.

26 - турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**26**	**23**	**2**	**1**	**78-19**	**71**
2.«Нефтчи»	**26**	**21**	**1**	**4**	**73-31**	**64**
3.«Қизилқум»	**26**	**16**	**3**	**7**	**55-26**	**51**
4.«Насаф»	26	16	3	7	51-36	51
5.«Навбаҳор»	25	15	5	5	49-22	50
6.«Машъал»	26	12	4	10	42-33	40
7.«Сурхон»	26	10	4	12	29-45	34
8.«Андижон»	26	8	6	12	31-34	30
9.«Дўстлик»	26	9	3	14	34-50	30
10.«Самарқанд-Д»	26	9	2	15	34-41	29
11.«Бухоро»	25	8	2	15	39-47	26
12.«Металлург»	26	7	5	14	31-57	26
13.«Цементчи»	26	8	7	13	33-54	25
14.«Қўқон-1912»	26	8	0	18	36-62	24
15.«Трактор»	**26**	**6**	**4**	**16**	**28-57**	**22**
16.«Гулистон»	**26**	**6**	**3**	**17**	**21-55**	**21**

Фарғона Давлат университети қошида япон тили маркази ташкил этилди. «Фукошима-Ўзбекистон» лойиҳаси

ФАРҒОНАДА ЯПОНИЯ БОҒИ

асосида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳомийлигида ташкил этилган ушбу марказда танлов асосида саралаб олинган 25 нафар талаба япон тили ва грамматикаси бўйича сабоқ олмоқда.

Фарғона вилояти ва Японияниг Детамачи шаҳри ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Ана шу дўстлик, биродарлик рамзи сифатида Қува туманида Япония боғига асос солинди. Водий ер иқлим шароитида Япония олмаларини етиштириш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА)

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР

спорт машғулотларига жалб қилинмоқда

Бугунги кунда Чилонзор туманидаги 33 та мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг аксар қисми, аниқроқ айтганда, салкам 37 фоизи мунтазам равишда спорт машғулотларига қатнашмоқда. Ўқувчи ёшлар асосан каратэ, бокс, футбол, шоҳмот, шашка, сузиш, теннис каби оммавий спорт турлари машғулотларига жалб қилинган.

Туман халқ таълими бўлими мудири, тажрибали педагог Малик Абдалимовнинг таъкидлашича, барча мактаблар мутахассислар билан таъминланган. Натижада мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида камолга етаётган ёшлар учун шарт-шароитлар яратиш, бу борада ҳомийларни жалб қилиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 195-, 103-ўрта мактабларда ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига катта эътибор қаратилган. Шунингдек, мазкур билим масканларида интернет халқаро алоқа тизимига боғланиш йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳам ёшларнинг иқтидорли бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мирзакалон Исмоилий номли 138-ўрта умумтаълим мактабида 1671 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларнинг пухта билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилда мактабни таъмирлаш учун 1 миллион 200 минг сўм сарфланди. Спорт зали, ювиниш-кийиниш хоналари сифатли таъмирдан чиқарилди. Тадбиркор Абдумажид Ёрмуҳаммедов мактаб ҳовлисига шарқона услубда дарвоза қуриб берди. Бу эса мактаб чиройига чирой қўшди.

Дилшод КАМОЛОВ,
«Ишонч» мухбири

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г— 916. 23456